Куч — адолатда

2014 йил
12 декабрь,
жума
№ 50 (511)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Ҳақиқатан ҳам, кексаларга ҳурмат халқимизнинг азалий ибратли қадриятларидан ҳисобланади. "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси", "Қарияли уй — мактаб", деган мақол ва ҳикматли сўзларда ғоятда чуқур маъно бор.

Кексаларимиз – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси

Бу пурҳикмат мақолларда, аввало, кексаларнинг бебаҳо хислатлари ва эзгу фазилатлари, оқилу донолиги ва тажрибакорлиги, меҳрибонлиги ва адолат билан иш кўриш салоҳияти каби кўпдан-кўп фазилатлари ўз ифодасини топган. Айни чоғда, қарияларни ҳурмат-иззат қилиш ва эъзозлаш, ота-оналаримиз, бобо-бувиларимиз, ёши улуғларимизга ҳамиша яхши муомалада бўлиш ва қўлдан келган яхшиликни улардан аямаслик, айтган сўзларига қулоқ солиб, берган панд-насиҳатларига амал қилиш зарурлиги уқтирилган.

Зотан, ёш авлод турмуш синовларида тобланиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доим эҳтиёж сезади. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексаларимизнинг ҳаётий тажрибаларидан, албатта, фойдаланиши лозим. Қаердаки, кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойга мудом файзу барака ёғилиб туради.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, доно халқимиз инсон ғанимат дейди. Дарҳақиқат, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ҳам ғанимат. Уларга хизмат қилиб, дуоларини олиш ниҳоятда муҳим. Бинобарин, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу хонадондан, албатта фаровонлик ва аҳиллик аримайди.

Энг муҳими, кексалари эъзозланган юртда меҳр-оқибат, қут-барака, тинчлик-хотиржамлик бўлади. Шу маънода, қарияларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун кенг шароит ва имкониятлар яратиш мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланганги бежиз эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз ва жамиятимиз томонидан истиқлол йилларида қарияларни улуғлаш борасида кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Аввалгамбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кексаларни эъзозлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам кафолатланди.

Конституциямизнинг 39-моддасида белгиланганидек, **"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга".**

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Yangi qonun mohiyati

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонуний кафолатлари янада такомиллаштирилди

Шу маънода жорий йилнинг 4 декабрида матбуотда эълон қилинган **"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу янги қонун 5 та боб, 31 та моддадан иборат.

Айтиш керакки, қонуннинг 2-моддасида ушбу қонуннинг амал қилиш тартиби, яъни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

(Давоми учинчи бетда)

Jarayon

Ёшлар ва сайлов

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остида "Ёшлар ва сайлов — 2014" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур лойиҳа "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот ойлиги доирасида ўтказилмоқда. Унда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлигига ўзини дахлдор сезган миллионлаб ёшлар фаол иштирок этаётир.

— Ҳозирги даврда эртамиз эгаларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан долзарб, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳалар бўлими мудири Илёс Раҳимов. — "Ёшлар ва сайлов — 2014" лойиҳаси йигит-қизларнинг мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, Конституциямиз ва бошқа қонунларга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш ва ушбу сиёсий жараён ҳақида илк бор иштирок этувчи ёш сайловчиларнинг хабардорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лойиҳа доирасида "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, анжуманлар ўтказилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган 22 йиллик даврда Асосий Қонунимиз мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиб турган миллий қонунчилигимизнинг асосий манбаи сифатида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш кафолати бўлиб келмоқда.

Iftixor

Барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётимиз кафолати

Ҳақиқатан ҳам, бугун юртимизда кечаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, тарихий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эришаётган ютуқларининг энг муҳим ҳуқуқий асоси Асосий Қонунимиздир.

Конституциямизнинг ҳаётдаги амалий ифодасини атрофлича таҳлил этар эканмиз, у нафақат бугунги саодатли кунларимизнинг Бош Қомуси, айни чоғда ёруғ келажагимизнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида ҳам қабул қилинганлигига яна бир карра амин бўламиз. Конституциянинг барча қоидалари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилаётгани ва бу ўзининг юксак самараларини намоён этаётгани юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Айтиш керакки, Конституциямизда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Хусусан, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисидаги конституциявий нормалар бугунги кунда жамиятимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар билан боғлиқ сайловолди ташвиқоти жараёнлари қизғин давом этмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Фарзандликка олиш

уни суд тартибида амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилаларга давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни кучайтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Истиқлол йилларида бу борада зарур ҳуқуқий асос яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, аввалгамбор, Конституциямизнинг 64-моддасида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кафолатлаб қўйилганини таъкидлаш лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Xabar

Қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, таҳлилий умумлаштириш ва тегишли тавсиялар беришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Пойтахтимизда қонунчилик тарғиботи самарадорлигини ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлигининг қонунчилик тарғиботи бўйича мутахассислари, ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари ходимлари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, умрбод таъминлаш шарти билан тузилган уй-жой шартномасини бекор қилиш мумкинми?

Т.ШАМИЛОВА,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани

— Ҳа, мумкин. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 533-моддасига мувофиқ, агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра, бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра, бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Айтинг-чи, агар ижро муддати ўтказиб юборилган бўлса, бу муддатни қайта тиклаш мумкинми?

Б.БАРНОЕВ,
Тошкент вилояти,
Зангиота тумани

— Маълумки, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатини суд ижрочиси иш юритиш учун қабул қилмасдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Ижро варақаси ёки суд буйруғини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи тегишли ҳужжатни қабул қилган судга ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Яқинда истеъмол кредити асосида уй-рўзғор буюмлари сотиб олган эдим. Айтинг-чи, мен улардан бирортасини қайтариб беришим ёки бошқа буюмга алмаштиришим мумкинми?

Юсуф ХУДОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти,
Ғаллаорол тумани

— Ҳа, мумкин. Амалдаги "Истеъмол кредити тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, шартнома шартлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинган ва уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилган кундан эътиборан бир ой ичида истеъмолчи томонидан бекор қилиниши мумкин.

Истеъмолчи фойдаланилмаган молиявий истеъмол кредитидан воз кечиш ҳақида молиявий истеъмол кредити берган ташкилотни шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур кредитдан воз кечишга ҳақли.

Истеъмолчи шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида истеъмол кредитидан фойдаланмаган тақдирда, истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида истеъмолчини ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

Айтинг-чи, суғурта қилдирувчи шахс вафот этган тақдирда, у билан илгари тузилган суғурта шартномаси кимга берилади?

Р.АБДУРАҲМОНОВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон тумани

— Маълумки, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, тузилган суғурта шартномалари ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчи жисмоний шахс вафот этган тақдирда, қуйидагиларга берилади:

суғурта қилдирувчи ўз васиятномасида кўрсатган шахсга,

суд ва нотариусга — уларнинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар бўйича суднинг қарори ёки нотариуснинг ўз муҳри билан тасдиқланган ёзма сўрови асосида.

Нотариуснинг ёзма сўровига суғурта қилдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси илова қилинган бўлиши керак.

Шунингдек, тузилган суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этилади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди

Кексаларимиз – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Асосий Қонунимизнинг 66-моддасида эса: **"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"**, деган меъёр мустаҳкамланган.

Шунингдек, бир қатор қонунлар, ҳукумат қарорларида пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда ёши улуғ инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга янада кучли эътибор қаратилмоқда. Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шу йилнинг ўзида уларга Давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўланганги бунинг амалий тасдиғидир. Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотлари ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Бу борадаги савоб ишларга кўмакдош бўлиш ҳаракати изчил кенгайиб бораётгани, хусусан, 2013 йилда "Нуроний" жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм, жорий йилнинг 9 ойида эса, 553 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд, шу йилнинг ўтган 9 ойида эса, 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани диққатга сазовор.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 1999 йилдан бошлаб 9-майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш анъанага айланди. Эндиликда ҳар бир юртдошимиз хотира ва қадрлаш деганда, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларини қадрлаш, кексаларимизни асраб-авайлаш ва уларнинг оғирини енгил қилиш, фахрийларимизнинг олдидаги бурчини адо этишни назарда тутади.

Ушбу байрам шарофати билан кекса отахону онахонларимиз халқимиз эъзозида бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан мунтазам қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, ушбу Фармонга мувофиқ, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, уларга йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди.

Шу тариқа ўтган даврда "Хотира ва қадрлаш куни" халқимизнинг тийнатига ярашгулик байрамга айланди. Нега деганда, бу кун тарихнинг оғир синовларини бошдан кечирган, фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги отахон, онахонларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир. "Қадр кўрсатган қадр топади", дейди халқимиз.

Қадрлаш — ўзликни англаш демак. Ушбу сўз замирида имон бутлиги, одоб-ахлоқ, аждодлар мероси, шунингдек, атрофимиздаги инсонларга чуқур ҳурмат мужассам. Бу тушунчага давлатимиз раҳбари: "Мен қадрлаш деганда, аввало бизга бор меҳру муҳаббатини бағишлаган, оқ ювиб-оқ тараган, кийинтирган, тарбия қилган ота-оналаримиз, бобою момоларимизга улар тирик бўлган пайтда катта бойлигимиз, бахтимиз сифатида қарашимизни хоҳлардим", дея жуда аниқ ва самимий таъриф берган.

2015 йилнинг **"Кексаларни эъзозлаш йили"**, деб эълон қилиниши, ўз навбатида, эъзоз сўзининг мағзига минг йилликлар давомида сингдирилган бир-биридан файзли асл миллий тушунчаларнинг тилсимлар сандиғини очиб юборди, назаримизда. Зеро, эъзоз дегани иззат, ҳурмат, меҳр, илтифот, эътибор, эҳтиром каби маъноларни англатса, эъзозлаш — меҳр-эътибор билан муносабатда бўлиш, эъзоз этиш, иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш демакдир.

Халқимизнинг "Сен сийласанг қарини, тангрим сийлар барини", "Ёшнинг ҳурмати — қарз, қарининг ҳурмати — фарз", "Қарияни ҳурмат қилган бахтли бўлур" сингари мақоллари ҳам кексаларни эъзозлашга қаратилган ўзига хос даъватдек янграйди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Биз ўзлигимизни, асл қиёфамизни йўқотмасак, ўзаро меҳр-оқибат ва аҳиллиқни сақласак, ота-боболаримиз ҳеч кимдан кам бўлмаганини, биз ҳам уларнинг йўлидан бориб, эртага ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга ишониб, бу ҳақиқатни чуқур англаб яшасак, мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз".**

Ушбу фикрларнинг ёрқин тасдиғи сифатида бир амалий мисол келтирамиз. Гап шундаки, жорий йил 4 июнда "Gallup World" институти Ўзбекистон жаҳоннинг 30 та энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олганини эълон қилди. Институт ўтказган тадқиқотларга биноан, мамлакатимиз аҳолиси бахтиёрлик ва хушкайфиятлилик индекси (Positive Experience Index)га кўра, жаҳоннинг 138 мамлакати орасида 29-ўринни эгаллаган.

Бу, ўз навбатида, Ватанимиз халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган очиқ демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кўпчилик учун ўрнак бўладиган мамлакатга айланаётганидан далолат беради. Одамларимиз, ёшу қари барча юртдошларимиз бугунига шукрона айтиб, эртасидан эзгу умидлар қилиб яшаётгани, юртимизда тинчлик ва осойишталик, ривожланиш барқарор экани тараққиётнинг "ўзбек модели" негизида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараларидир.

Шу кунларда "Кексаларни эъзозлаш йили" давлат дастурини ишлаб чиқишга қизғин киришилди. Табиийки, мазкур дастурдан бугунги кунда кекса авлод вакилларининг ҳаётига дахлдор бўлган, бу борадаги долзарб масалаларни ҳал қилишга, бир сўз билан айтганда, кексаларимизни, том маънода эъзозлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар жой олади.

Энг муҳими, ота-оналарни ҳурмат қилиш, бобо-бувиларни эъзоз этиш, ёши улуғларга нисбатан эҳтиром бажо келтириш, кексаларимизга ҳамиша меҳр-оқибатли бўлиш бизнинг нафақат миллий хислатимиз, айни чоғда, энг улуғ қадриятимиз, асосий мақсадимиз бўлиб қолиши лозим. Зотан, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Xabar

Қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи И.Турғунов, Бош прокуратура матбуот хизмати бошлиғи Г.Раҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ички ишлар тизимида ҳам қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, профилактика хизмати нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни самарали адо этмоқда. Тизимда ташкил этилган матбуот хизматлари оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш билан бирга кенг кўламли тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда.

Тадбирда интерактив хизматлардан фойдаланиш, ҳуқуқий ахборотларни веб-сайтларга мунтазам жойлаштириб бориш бугунги кун талаби экани, қонунлар тарғиботида "Yurida", "Lex.uz" имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Янги қонунлар моҳиятини аҳолига етказиш, қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалардан ўз вақтида хабардор бўлиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини ва назорат нусхаларини юритиш зарур.

Анжуманда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий шакл ва услублари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги вазифаларига оид бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Mezon

Фарзандликка

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**, **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"** ва **"Таълим тўғрисида"**ги қонунлар, Оила, Меҳнат ва Фуқаролик кодекслари каби қатор қонун ҳужжатларида ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг ташаббусларини, интилиш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, болаларга ўз иқтидорини намоён этишларига кенг имкониятлар яратишнинг ҳуқуқий асослари акс этган.

Маълумки, фарзандликка олиш — оила қонунчилигининг муҳим масалаларидан бири бўлиб, мураккаб ҳуқуқий институтдир. Уни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш катта аҳамият касб этади. Аввалги қонунчиликда фарзандликка олиш билан боғлиқ ишлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса, эндиликда ушбу масала судлар томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилмоқда. Жумладан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунга мувофиқ, Фуқаролик-процессуал кодекси ва Оила кодексига фарзандликка олиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам эндиликда суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар тоифасига киритилди. Албатта, фарзандликка олиш бўйича судларга қўшимча ваколатлар берилиши бола манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Фарзандликка олиш истагида бўлган Ўзбекистон фуқаролари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига ариза билан мурожаат қилади. Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган болани фарзандликка олишни истаган мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи фуқаролар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар эса, боланинг яшаш жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига ариза беради.

Айтиш керакки, ушбу аризада фарзандликка олувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, унинг яшаш жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотлар, фарзандликка олувчиларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги илтимосини асословчи ҳолатлар ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Қонунда аризага илова қилинадиган ҳужжатлар қатъий кўрсатилгани бежиз эмас. Чунки фарзандликка олувчиларнинг соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хулоса, фарзандликка олувчиларнинг иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисида маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари тўғрисида маълумотнома, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ва бошқа шу каби ҳужжатларнинг тўлақонли тақдим этилиши боланинг соғлом оила муҳитида вояга етишига замин яратади.

Шу ўринда қонунда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳам тегишли вазифалар юклатилганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли экани ва боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланган.

Шунингдек, судда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари ҳамда прокурорнинг иштирок этиши мажбурийдир. Васийлик ва ҳомийлик органларига бундай масъулиятли вазифанинг юклатилиши, судда прокурорнинг иштирок этиши — болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида нафақат суд органлари, балки васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда прокурор ҳам масъул эканидан далолат беради. Қолаверса, бу билан судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг қонунийлиги ҳар томонлама таъминланади.

Yangi qonun mohiyati

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонуний кафолатлари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунки маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари ушбу қонун давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ёзишмаларига нисбатан ҳам татбиқ этилмайди.

Шунингдек, қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби белгиланган. Мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари қайд этилган. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ушбу янги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Шу ўринда газетхонда шундай ҳақли савол туғилиши мумкин: ушбу қонуннинг аввалги — "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонундан қандай фарқли жиҳатлари бор?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этгани ҳолда, юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш қамраб олинмаган эди. Шу маънода, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, умуман олганда, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Демак, ушбу қонун билан, биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ, Швейцария давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Иккинчидан, мурожаатнинг шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Учинчидан, қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу қонуннинг 8-моддаси, 5-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бешинчидан, янги қонунда шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш имонини берадиган махсус техника воситалари қўлланилиши, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни, қонун талабига кўра, ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Шунингдек, ушбу янги қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.

Бунда мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги лозим.

Қонунда мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида, мурожаатларни бир йилда камида бир марта умумлаштириши ва таҳлил қилиб бориши белгиланди.

Юқорида баён этилган ана шу ҳуқуқий кафолатлар аввалги қонунда мавжуд эмас эди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳаётда айрим мутасаддилар томонидан мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўйиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаслик каби ҳолатлар ҳам учраб туради.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, янги қонунда тегишли меъёрлар белгиланди. Жумладан, давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Конституциямиз ва амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этиши, мурожаатларни холис ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун зарур чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Шунингдек, қонунда мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, улар электрон ёки оғзаки бўладими, бир хил аҳамиятга эгалиги мустаҳкамланди. Қонунга кўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имкониини берадиган бошқа реквизитларга эга электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Айтиш керакки, ушбу янги қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Яъни аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмасдан қолдирилади.

Жисмоний шахснинг исм-фамилияси, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери, почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Iftixor

Барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётимиз кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зотан, Конституциямизнинг "Сайлов тизими" номли XXIII боби сайлов ҳуқуқига бағишланган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 117-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Истиқлол йилларида мазкур конституциявий моддани ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида жуда катта ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Энг муҳими, Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуси давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди. Бу борада, айниқса, Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнинг мантиқий давоми бўлди.

Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айланди.

Сайловга тайёргарлик ишлари доирасида мамлакатимиз ва чет эл экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, сайловларни Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда, демократия принциплари асосида очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлайди. Демакки, ушбу жараёнларда фуқароларимизнинг яна бир конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Энди бевосита мамлакатимиз суд тизими фаолиятининг конституциявий кафолатлари борасида тўхталадиган бўлсак, авваламбор, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш ўринлидир. Конституциямизнинг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадиган алоҳида ҳокимият сифатида эътироф этилган.

Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асоси бўлган ушбу меъёр туфайли судлар жамиятда қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини изчил таъминламоқда. Ушбу конституциявий қоидани амалда чуқур татбиқ этиш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Натижада судлар ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, суд ишларини қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди, судьяларни танлаш ва тайинлашнинг адолатли механизми яратилди, судьялар мақоми мустаҳкамланди.

Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қонун устуворлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ижтимоий кафолатларни кучайтиришда улкан аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Негаки, фармонда судьялар масъулиятини, уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини ошириш сингари кўплаб эзгу мақсадлар қамраб олинган.

Ушбу фармон суд тизими ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш билан бирга, улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунчиликни қарор топтириш ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш, юртимизни ҳар томонлама обод этиш, қисқача айтганда, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти баро этиш борасида амалга оширилаётган барча эзгу ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Зуфар УСМАНОВ,
Олий суд судьяси

Saboq

Қимматга тушган лоқайдлик

Аввало шуни айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига Фарғона вилояти адлия бошқармасига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Унда Ёзёвон туманининг Қоратепа қишлоғида яшовчи Равшанбек Сойибовга "Қува пахтани қайта ишлаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятидан иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳамда бошқа ишчиларнинг 11 954 590 сўмлик иш ҳақини ундириш юзасидан суд буйруғи чиқариш сўралганди.

Аниқланишича, 2013 йилнинг 1 апрелдан Р.Сойибов ва очиқ акциядорлик жамияти ўртасида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги 48-сонли шартнома тузилган.

Шартноманинг амал қилиш муддати 2013 йил 1 июлгача бўлган. Яъни фуқаро уч ой муддатга ишга қабул қилинган. Бироқ унга 1 065 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлса-да, июнь ойида 160 000 сўм берилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Олиш

уни суд тартибида амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Айтиш керакки, Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрда қабул қилинган **"Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорида ҳам судларда фарзандликка олиш билан боғлиқ ишларни кўришда қонунийликни таъминлаш ва Оила кодексида конституциявий нормаларга мувофиқ, боланинг оилада тарбияланиши оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири сифатида тан олиниши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти туманлараро судлари томонидан фарзандликка олиш билан боғлиқ кўрилган фуқаролик ишларининг статистик таҳлилига эътиборни қаратмоқчимиз. Яъни, вилоят туманлараро судлари томонидан 2014 йилнинг 9 ойи давомида фарзандликка олиш билан боғлиқ 296 та фуқаролик ишлари кўрилган. Шундан 261 та ҳал қилув қарори чиқарилиб, 251 та ариза қаноатлантирилган, 10 таси эса, рад қилинган.

Мисол учун А.Абдураҳмонов ва Д.Абдураҳмонова (тарафларнинг исм-шарифлари ўзгартирилган) судга ариза билан мурожаат қилиб, 2013 йилда туғилган Зиёда Абдусалимовани фарзандликка олиб беришни сўраган.

А.Абдураҳмонов ўз аризасида Д.Абдураҳмонова билан 2004 йилда қонуний оила қургани, фарзандли бўлмагани сабабли турмуш ўртоғи билан ўзаро келишган ҳолда қариндоши Х.Нишонов ва Д.Нишонованинг фарзанди Зиёдани фарзандликка олмоқчилиги, соғлиғи яхшилиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган касалликлар билан рўйхатда турмаслиги, турмуш ўртоғи ҳам Зиёдани фарзандликка олишига қарши эмаслиги, болани тарбиялаш ҳамда таъминлаш учун барча шарт-шароит мавжудлигини билдирган.

Тумандаги Васийлик ва ҳомийлик комиссияси томонидан Абдураҳмоновларнинг оилавий шароити ва шахси ўрганилиб, вояга етмаган Зиёдани уларга фарзандликка бериш мумкинлиги ҳақида хулоса тақдим этилган. Абдураҳмоновлар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинидан далолатнома ҳам олинган. Иш ҳужжатларига илова қилинган фарзандликка берувчи Х.Нишонов ва Д.Нишонованинг нотариал тасдиқланган розилик хатларида фарзандлари Зиёдани Абдураҳмоновлар оиласига фарзандликка беришга қарши эмаслиги қайд этилган.

Суд қонун доирасида барча ҳолатларни муҳокама қилиб, вояга етмаган Абдусалимова Зиёдани Абдураҳмоновларга фарзандликка олиб бериш учун барча шароитлар мавжудлиги ва бу борада тўсқинлик қилувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Миллий қонунчилигимизда болани фарзандликка олишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, Оила кодексининг 152-моддасига биноан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар; ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки уларни лозим даражада бажармаган — фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар болаларни фарзандликка олишлари мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу масалани ҳал қилиш ваколатининг судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини янада кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Maslahat

Меҳнат таътили

иш ҳақи сақланмаган ҳолда қандай тартибда берилади?

Меҳнат кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар назарда тутилган. Унга мувофиқ, ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Амирсаидхон ЭШАНХОДЖАЕВ,
Олий суд катта консультанти

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2014 йилнинг 9 декабрь ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 1 нафар раис ўринбосари, 5 нафар судьялик лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 6 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 2 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Бухоро вилояти:

жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Жиззах вилояти:

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти туман судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туман судининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик, туманлараро судининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси, 2 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 5 нафар судьялик лавозимлари;

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 4 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 6 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 16 нафар судьялик лавозимлари;

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, туман судларининг 2 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари,

2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 9 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

Jarayon

Ёшлар ва сайлов

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Бугунги ўқувчи — эртага сайловчи", "Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга" каби мавзуларда ахборот соатлари, "Мен сайловга тайёрман" мавзусида деворий газеталар ва расмлар танлови, "Ёш сайловчилар кунлари" ахборот акциялари ташкил қилинмоқда. "Юрагингдан овоз бер!", "Биринчи марта овоз бераман!", "Фуқаролик позициянгни намоён эт!" мавзуларидаги видеороликлар, баннер ва буклетлар намойиш этилаётир.

Тарғибот гуруҳларига етакчи олий ўқув юртларининг юзга яқин иқтидорли талабалари ва илғор ёш ўқитувчилар жалб этилгани тадбирларни юқори савияда ташкил этиш имконини бермоқда.

Тадбирларда ёшлар мамлакатимизда истиқлол йилларида энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида яратилган миллий сайлов тизими, сайлов жараёнида очиқлик ва ошкоралик принципларини мустаҳкамлаш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгартишларнинг маъно-мазмуни билан атрофлича таништирилмоқда.

— Сайлов — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Мирсалим Файзуллаев. — Унда иштирок этишнинг ҳаяжони ва масъулиятини чуқур ҳис қилмоқдамиз. Университетимизда ташкил этилаётган "Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга" мавзусидаги ахборот соатларида мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган сайловлар моҳияти, уларда ёшларнинг иштироки, сайловларни ўтказиш тартиби, Конституциямиз ва сайлов қонунчилигига доир билимимиз янада бойимоқда. Бу бўлажак сайловда ўз фуқаролик позициямизни эркин намоён этишга ёрдам беради.

Лойиҳа доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг интернетдаги веб-сайти орқали "Мен сайловга тайёрман" онлайн танлови ташкил этилди. Унда ўн ёшдан ўттиз ёшгача бўлган 121 мингдан ортиқ ўқувчилар, талаба-ёшлар ўз ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Saboq

Қимматга тушган лоқайдлик

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Қолган 905 000 сўмни тўлашни эса, жамият ҳисобчилари пайсалга солиб келишган. Ваҳоланки, бажарилган ишлар далолатномасига асосан, ҳар ойлик иш ҳақи кейинги ойнинг 5-санасига қадар тўланиши лозим эди.

Р.Сойипов ўз мурожаатида иш ҳақи билан бирга маънавий зарар ҳам ундириб беришни ҳам сўраган.

Айтиш керакки, ушбу мурожаатни ўрганиш мобайнида "Қува пахтани қайта ишлаш заводи" ОАЖ мутасаддилари яна бир неча нафар ишчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўламагани аниқланди. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартда қабул қилинган "Иш ҳақини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида мулкчилик шаклларидан қаътий назар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги қайд этилган. Юқорида баён этилган ҳолатда корхона мутасаддилари ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўламай ушбу қонун талабларини қўпол равишда бузишган.

Буни қарангки, суд мажлисига қадар корхона мутасаддилари томонидан Р.Сойибовнинг иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилди.

Шу боис суд иш берувчи томонидан ходимга етказилган маънавий зарарни муҳокама қилди. Маълумки, Фуқаролик кодексининг 1021 ва 1022-моддаларида маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан пул билан қопланиши ҳамда маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, 1000-моддасида эса, биргаликда зарар етказган шахслар жабрланувчининг олдида солидар жавобгар бўлиши, жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, суд биргаликда зарар етказган шахсларга ҳиссали жавобгарликни юклашга ҳақли эканлиги қайд этилган. Бинобарин, суд 15 нафар ишчининг иш ҳақини ундиришга оид суд буйруғи бериш баробарида даъвогарнинг маънавий зарар ундириш ҳақидаги талабини ҳам қаноатлантирди. Маънавий зарар корхона раиси ва бош ҳисобчисидан ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларга таяниб иш кўрган киши ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳуқуқи бузилмаслигига, бузилган тақдирда ҳам, уни қонуний йўл билан тиклашга, албатта, эришади. Шундай экан, қонунийлик ҳаётимиз мезони бўлса, ҳуқуқларимиз таъминланишини доимо ёдда тутайлик.

Ҳамдамжон ҲАКИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Маълумки, табиатда содир бўладиган барча жараёнлар табиий тарзда кечади. Бироқ уларнинг замирида ҳам олам-олам маъно ва моҳият мужассамдир.

Биз билган ва билмаган дунё

ТАБИАТНИНГ НОДИР МЎЪЖИЗАСИ

Масалан, ёмғир, дўл, қор каби табиат ҳодисаларининг қандай пайдо бўлиши — кўпчиликка қизиқ туюлади. Негаки, ёмғирларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳам анчайин мураккаб бўлиб, бу борадаги қизиқарли тафсилотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Маълумки, атмосфера ёғингарчиликлари ичида энг кўп пайдо бўладигани ёмғирдир. У атмосферада мавжуд сув буғининг конденсацияланишидан ҳосил бўлади. Одатда, шамол таъсирида булутлар юқорига кўтарилгач, совуқ ҳаво оқимига дуч келади, сув заррачаларининг конденсацияланиши эса, муттасил равишда давом этади. Натижада уларнинг ҳажми ортиб борада ва ниҳоят, оғирлашганлиги боис ерга тушиб кетади ва ёмғир пайдо бўлади. Ерга тушиш чоғида эса, томчилар янада илиқ ҳаво қатлами орасидан ўтади ва яна маълум даражада буғлана бошлайди. Баъзан улар ерга етмасдан бутунлай буғланиб кетиши ҳам мумкин. Ёмғир миқдори йил фасларига ва минтақанинг жуғрофий ўрнига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШнинг Огойо штатидаги Уойнсберг шаҳрида бир неча ўн йилдан буён айнан 29 июнь куни ёмғир ёғиши кузатилади. Бу ноёб табиат ҳодисасини эса, шу кунгача ҳеч қайси олим батафсил тушунтириб бера олмаяпти.

Бразилиянинг Пара шаҳрида эса, ёмғир ҳар куни айнан бир вақтда ёғиб ўтади. Шу боис шаҳар аҳолиси соат неча бўлганини ёмғирнинг ёғишига қараб ҳам аниқ айтиб бера олишади.

Таиланд давлатида бир неча асрдан буён ёмғир фақат тунда ёғиши барча мутахассислар учун ҳам, оддий халқ вакиллари учун ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг серёғин ҳудуд — бу Африканинг Уганда давлати ҳисобланади. Бу ерда йилига 250 маротабадан кўп ёмғир ёғади.

Ботсвана давлати эса, дунёнинг энг кам ёмғир ёғадиган ҳудудларидан бири сифатида тилга олинади. Аммо шунга қарамай, бу давлатнинг миллий валютасининг номи айнан "ёмғир" деган маънони ифода этади. Бундан ҳам қизиғи, бу юртда маҳаллий аҳоли вакиллари бир-бири билан сўрашганда "Пула" сўзини ишлатишни хуш кўришади. Маълум бўлишича, бу сўз ҳам таржима қилинганда ёмғир деган маънони англатар экан.

Шуниси ажабланарлики, ҳаётда ёмғирни ўта ёмон кўрувчилар ҳам учраб туради. Маълумотларга кўра, дунё миқёсида ҳар юз миллион одамдан биттасида ёмғирга нисбатан аллергия касаллиги мавжуд. Тиббий хулосага кўра, бундай беморлар учун ёмғирнинг тагида қолиш — шахсий ҳаётини хавф остида қолдириш билан баробардир.

Азал-азалдан табиатнинг бу ажойиб инъомига турли халқлар ва мамлакатларда турлича муносабат билдирилиб келинган. Хусусан, Португалияда ёмғирнинг ёғиши ишга бормаслик учун қонуний асос ҳисобланади, бунинг учун интизом бўйича ҳеч қандай жазо чораси қўлланилмайди.

Америкада эса, ёмғирли кунларда юз берадиган нохушликларнинг аксарияти соябон кўтарган йўловчилар томонидан содир этилиши исботланди. Чунки соябон йўловчининг олдини тўсиб қолиши натижасида у ўзи томон яқинлашиб келаётган транспортни сезмай ҳам қолар экан. Шунинг учун АҚШда янги замонавий соябон ихтиро қилинди. Унинг юқори қисмига батареядан қувват оладиган чироқ ўрнатилган. Энди йўловчиларга чорраҳадан ўтишаётганда шу чироқни ёқиб қўйиш тавсия этилмоқда.

Буни қарангки, ёмғирлар нафақат ерга озуқа бўлади, балки мева-сабзоватларда турли витаминлар миқдорининг ошишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатар экан. Масалан, хўжағат (малина) ва қорағат (смородина) меваларида ёғин-сочин мўл бўлган пайтларда С витамини ҳатто меъёридагидан икки баробаргача ортиб кетиши аниқланди. Қизиғи шундаки, бу ўсимликларнинг мевалари, айниқса, ёмғирдан кейин тез катталашади. Шунинг учун ҳам табиатнинг бу неъматларини ёмғирдан сўнг дарҳол териб олиш лозим.

Маълум бўлишича, одам ёмғир ёғаётган пайтда қанчалик тез югурса, шунчалик тез ивиб кетар экан. Физик олимлар югураётган ва оҳиста кетаётган одамларга қанча ёмғир томчилари тушишини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлишди. Шунинг учун, мабода ёмғирда қолиб кетсангиз, шошмасдан кетаверинг. Шунда сиз югурганчалик ивиб кетмайсиз — тадқиқот натижаси ана шундай.

Ёмғирдан кейин пайдо бўладиган камалак ҳам қадим замонлардан буён инсоният диққат-эътиборини жалб қилиб келувчи мўъжизавий табиат ҳодисаси сифатида талқин этилади. Бу ҳодисага деярли ҳамма даврларда турфа хил муносабат билдирилган. Жумладан, камалакнинг илк фалсафий назариясини 1637 йилда француз файласуфи Рене Декарт ишлаб чиққан. 1836 йилда инглиз мунажжими Жорж Эри камалакни илмий жиҳатдан таърифлашга уриниб кўрган.

Олимларнинг айтишича, камалак қуёш нурларининг атмосферадаги ёмғир ёки туман сув заррачаларида спектрланиши натижасида юзага келадиган табиий жараёндир. Сув заррачалари ранглларнинг ёруғлигини турли томонга бўлиб ташлаши натижасида бир-бирига табиий мутаносиб ранглар ҳосил бўлади, натижада жуда гўзал манзара юзага келади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Кўчқор ТОҒАЕВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6756.

1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰